

МАҲАЛЛИЙ СЕДАНА УРУҒИ ЁҒИНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЯЛЛИҒЛАНИШГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Х.У.Алиев., И.К.Азизов., З.А.Марифова

Тошкент фармацевтика институти. Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси.

Седана қадим замонлардан бери халқ табобатида ошқозон-ичак тизими касалликларида кенг қўлланилиб келинади. Бекорга “седана минг дардга даво”, “седана ўлимдан бошқа касалликларга даво” деб айтилмаган. Адабиётларда седана дамламасини яллиғланишга қарши таъсири ҳақида ахборотлар берилган.

Мақсад: Юқоридагиларни инobatга олиб маҳаллий седана уруғи ёғининг экспериментал яллиғланишга қарши таъсирини ўрганишни режалаштирдик.

Усуллар: Маҳаллий седана уруғи ёғининг экспериментал яллиғланишга қарши таъсири 24-та массаси 157-183 грамли лаборатория каламушларида ўрганилди. Экспериментал яллиғланиш формалин (2%- 0.15мл) ва гистамин (0.01% - 0.15мл) ни каламушларнинг орқа оёқ панжасини аппоневрози остига юбориш билан юзага чиқарилди. Маҳаллий седана ёғи икки ҳил усулда: биринчи- экстракция ва иккинчи -экстракция усули билан писта ёғи ёрдамида олинди. Хар иккала усулда олинган седана ёғининг экспериментал яллиғланишга қарши таъсирини ўрганиш учун уларни флогоген моддалар юборишдан бир кун олдин ва тажриба бошланишидан 1 соат олдин оғиз орқали 25мл/кг (ёки 0,4 мл масса ҳисобида) миқдорда юборилди. Назорат гуруҳидаги каламушларга мос равишда писта ёғи юборилди. Назорат гуруҳида олинган натижаларни 100% деб олинди ва у тажриба гуруҳида олинган натижалар билан қиёсий солиштирилиб чиқилди.

Натижалар: Седана уруғининг ёғини олган каламушлар иккита гуруҳга бўлиниб, уларга биринчи ва иккинчи экстракция усулида олинган седана уруғининг ёғи юборилди. Ўрганилаётган седана ёғини олган каламушларнинг оёқ панжасини хажми нормага нисбатан биринчи экстракцияда олинган ёғларда 0,46 ва 0,48 мл ни ташкил этган бўлса, иккинчи экстракцияда олинган ёғларда 0,42 ва 0,39 мл ни ташкил этди. Худди шу шароитда писта ёғини олган каламушлар оёғининг хажми 0,67 ва 0,69 мл га тенг бўлди. Демак, ўрганилаётган седана ёғи юқори даражада гистамин ва формалинли яллиғланишга қарши таъсир этар экан. Бу ёғларнинг яллиғланишга қарши таъсири писта ёғининг ёллиғланишга қарши таъсирига нисбатан сезиларли даражада яхшироқ юзага чиқди.

Хулоса: Демак, маҳаллий седана уруғининг ёғи математик аниқлик даражада яллиғланишга қарши таъсирга эга. Ўрганилган ёғлар экспериментал яллиғ-ланишга қарши таъсири бўйича писта ёғидан анча устун туради.